

Биринчи чорак якунлари

САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТ УЙҒУНЛИГИ

2013-2020 йилларда

телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида замонавий технологиялар асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун **150** километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди ва захирага олинди.

Ишлаб чиқариш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида умумий қиймати **336** миллиард сўмдан ортиқ замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш бўйича **86** лойиҳа амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида **12** акциядорлик компанияси, бирлашма ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича **20** лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилининг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги ахборотидан.

2-бет

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Инсон —
азиз,
Ватан —
муқаддас

Қашқадарё вилояти Қарши тумани Ниязбудинов маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Амирқул ота Бозоров ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бир гуруҳ уруш ва меҳнат fronti фажрийлари қаторида "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланди.

— Бугунги тинч-фаровон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг, айниқса, ёшларимизнинг фарзандлик бурчи бўлмоғи лозим, — дейди А.Бозоров.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Амирқул ота Бозоров мактаб ўқувчилари даирасида.

Хушxabар

"Ўзбектелеком" АК Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тарихий ва маданий мерос объектлари, шунингдек, сайёҳлик ҳудудлари, меҳмонхона, аэропорт ва вокзалларида симсиз WiFi тармоғини ишга тушириш бўйича лойиҳани амалга оширди.

Бугунги кунда компания WiFi технологияси бўйича интернет тармоғига уланишни таъминлайдиган ускуналарни монтаж қилиш ва созлаш ишларини якунига етказди, шунингдек, интернет хизматидан фойдаланиш учун олдиндан тўлов карталари чиқарилган. Ҳозирги вақтда "Ўзбектелеком" АК WiFi тармоғи қоплаш зонаси ўзида 27та объектни жамлаган.

ЭЪТИРОФ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятимизда, хусусан, "Ўзбектелеком" АК Наманган филиалида "Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури"нинг ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятдаги пенсионерларнинг 13 нафарига филиал томонидан моддий ёрдам берилди. 161 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг ҳар бирига "ЎзМобайл" стационар телефон аппаратлари ва беш минг сўмлик номинал қийматдаги шаҳарлараро сўзлашув тўлов карточкалари тарқатилди.

Филиал мижозлари бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг телефонларига ажратилган имтиёзларига яна 60 дақиқадан бепул сўзлашувлар қўшиб берилди.

Куни кеча эса 7 май — Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан "Ўзбектелеком" АК Наманган филиалида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан фажрийлар бир пиёда чойга таклиф этилди.

Маросимда иштирок этган Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов соҳа ходимларини касб байрами билан қутлади. Фажрийлардан Умархон Раҳимов, Абдурахмон Улуғхўжаев, Насрулло Абдуллаев, Шукринисса Валиеваларга ҳокимликнинг фажрий ёрликлари топширилди.

Вилоятда уруш ва меҳнат фажрийлари ҳолидан хабар олиш тадбирлари давом этмоқда.

Шамсиддин ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 май кuni Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кён Хванни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг вақт синовидан ўтган ишончли ва стратегик шериги эканини таъкидлади. Оқсаройда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатига соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Фахрийлари байрам билан кутлаш учун пансионатга М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали вакиллари келди.

"Туркистон" саройида 1 май кuni "Олтин қалам" X Миллий мукофотининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юртаринининг журналистика факултети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Нукусдаги И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган кўرғазма очилди. "Умр кузи — олтин фасл" мавзусидаги кўрғазмада таниқли мўйқалам усталарининг музейда сақланаётган турли даврларда яратилган энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил биринчи чорагида соҳа корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва 2015 йилги вазифаларга бағишланган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгайтирилган мажлис жойларга видео ва аудиоселектор тизими орқали узатилади. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Хайъат раиси Хуршид Мирзоҳидов бошқарди. Вазир ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни йил сайини ошаётгани, талаб ҳам шунга яраша кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, биринчи чорак мобайнида қатор ютуқларга эришилгани, аммо ҳали олдинда қилиниши зарур бўлган ишлар кўпчилигини қайд этди.

САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТ УЙФУНЛИГИ

Биринчи
чорак
яқунлари

Йиғилиш кун тартибидagi асосий масала — биринчи чорак яқунлари ва келгуси вазифалар тўғрисида вазир ўринбосари Умиджон Аъломов маъруза қилди. Маърузачи биринчи чорак мобайнида соҳа компаниялари, жамиятлари ва корхоналари томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, келгусида бажарилиши лозим бўладиган вазифаларга тўхталди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция Дастурига асосан вазирлик томонидан жорий йилда жами 223,39 миллион АҚШ доллари (570,906 миллиард сўм) миқдоридagi еттига лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 2015 йил инвестиция дастурига киритилган ва "ЎзМобайл" филиали миллий мобил алоқа оператори тармоғини ташкил этиш" кўшимча лойиҳасини амалга ошириш орқали жами 43,59 миллион АҚШ доллари миқдоридa маблаг ўзлаштирилди.

Халқаро интернет ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида, Бухоро вилоятида Халқаро пакетли коммутация марказига 11,6 миллион АҚШ доллари тенг қурилмалар келтирилиб, монтаж ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа якунига етгач халқаро интернет тармоғига улашни имконияти икки баробар (80 Гбит/с.) ошади ва Тошкент шаҳар боғламаси тўлиқ захиралашга эришилади.

"Электрон ҳуқумат" тизимини ривожлантириш доирасида солиқ ва статистика ҳисоботларининг тақдим этилиши, божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ва янги ташкил этилаётган ҳўжалик субъектлари номларини рўйхатдан ўтказиш тўлиқ электрон шаклда амалга оширилмоқда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, кўрсатилган хизматлар учун тўловларни онлайн тўлаш имкониятлари кенгайтирилди ва массовий банк орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 63,15 миллиард сўмни ташкил қилди, ҳўжалик судлари томонидан фуқароларнинг даъво аризалари ва илтимосномаларининг 53,8 мингтаси электрон шаклда қабул қилинган, йил бошидан бери 146 мингдан зиёд ҳўжатлар идоралараро ҳимояланган электрон почта тизими Е-ХАТ орқали жўнатилган, электрон рақамли имзо калитлари фойдаланувчилари сони 2,1 баробарга кўпайиб, 1,2 миллионга етди.

Хисобот даврида Очққ маълумотлар ягона портали (data.gov.uz) ишга туширилди ҳамда унда идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари бўлган 8та вазирлик ва идораларнинг 40 турдан иборат очққ маълумотлар тўплами жойлаштирилди.

2015 йилнинг биринчи чорагида вазирлик тизимидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан жами 3,276 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Буни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда ўсиш 3,7 баробарни ташкил этди.

Хисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг 86та ёзма ва 160та Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келган мурожаатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, соҳа корхоналари бўйича жами 1035та мурожаат тушган, шулардан 753таси шикоят тариқасида корхоналар томонидан кўрсатил-

2015 йилнинг биринчи чорагида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидagi корхоналар томонидан 1,02 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан ўсиш суръати 24,7 фоиз, жумладан, аҳолига алоқа хизматларини кўрсатиш 586,6 миллиард сўмни, бунда ўсиш суръати 21,5 фоизни ташкил этди.

ган алоқа хизматлари юзасидан бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 фоизга камайган.

Шунингдек, мажлисда ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш жараёнларини амалга оширишни электрон тизимга ўтказиш, тадбиркорлик субъектлари устидан давлат назорати шаффоғлигини таъминлаш ҳамда Электрон ҳуқуматнинг интерактив хизматларини жорий қилиш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш бўйича кўрилатган чоралар, экспорт параметрлари бажарилишини таъминлаш бўйича кўрилатган чоралар ва корхона раҳбарларининг шахсий масъулияти, хизматлар сифати юзасидан келиб тушган мурожаатлар таҳлили ва кўриб чиқиш натижалари, 2015 йил ёз мавсумига соҳадagi болалар оромгоҳларини тайёрлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Соҳа раҳбари йиғилишда иштирокчилар эътиборини яна бир қанча вазифаларга қаратиб, жумладан, кенг поласали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, компютер дастурлаш хизматларини кўрсатишни кўпайтириш, энг чекка қишлоқларда телефонлаштириш ва интернетга улаш ишларини янада жадаллаштириш, АКТ йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий салоҳиятли кадрлари сонини ошириш сингари ишларни амалга оширишда асло суст-кашликка йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу сабабли ҳам мажлисда қишлоқ жойларида алоқа хизматини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, хизматлар кўрсатиш ҳажминини ошириш ва интернет тармоғидан фойдаланишга зарур имкониятлар яратиш, кенг поласали оптик тармоқларни кенгайтириш ҳамда оптик тотали алоқа тармоқларини қуриш ишларини давом эттириш, барча ҳудудларни рақамли телевидениега ўтказиш ишларини охирига етказиш борасида тегишли вазифалар белгилаб олинди. Шу билан бирга, жорий йил якунига қадар соҳа корхоналари интернетга кенг поласали улашни имконини берувчи портлар сонини ошириш, ягона порталда тадбиркорлик субъектларига фаолиятнинг рухсат берувчи турлари учун ҳўжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини тугдирувчи интерактив хизматни жорий қилиш, "Электрон ҳуқумат" тизими учун зарур ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш юзасидан йирик лойиҳаларни амалга ошириш каби вазифаларни бажариши зарур бўлади.

Хайъатда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Компютер дастурлаштириш хизматлари 32,0 миллиард сўмни ташкил этди, ўсиш суръати 16,8 фоизга тенг бўлди.

7 май – Алоқачиларнинг касб байрами нишонланиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг буйруғига асосан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти ва соҳанинг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаяётган вазирлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассасалари ҳамда мобил алоқа операторларининг раҳбар ходимлари ва мутахасссларининг бир гуруҳи муносиб тақдирландилар.



МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

"МОҲИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Чимбой туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Қарабой ҚОЖАМЖАРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдусаттор Жайлауович ЖУМАОЕВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Бухоро радиотелеузатиш маркази Бухоро радиотелевизион станцияси 6-даражали электромеханиги Олим Болтаевич АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Асланович ИШАНХОДЖАЕВлар;

"ФАХРИЙ ЁРЛИҚ" билан

"Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва инвестициялар департаменти директори Акмал Закирджанович АРИФДЖАНОВ, "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали директори ўринбосари Алишер Абдулахадович ҚОДИРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали Қўрғонтепа почта алоқаси тармоғи Қорасув алоқа бўлими хабарчиси Мирзамиржон Миролимович МИРЗАКАРИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Яйпан тумани почта алоқаси тармоғи Овчи алоқа бўлими бошлиғи Маҳмадхон Ортиқович АЛИМОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Қашқадарь радиотелеузатиш маркази Одамтош радиотелевизион станцияси смена бошлиғи Раҳим Маматович ИСМОИЛОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Абдунаби Қаршибоевич ЭРГАШЕВ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Исомиддин Бахриддинович АШУРОВ, "Электромагнит мослашув маркази" ДУК 1-Тошкент техник радиозорат станцияси бош мутахассси Оекар Искандарович ИСЛОМОВ, "UNICON.UZ"

ДУК дастурий маҳсулотлар бўлими бошлиғи Дмитрий Сергеевич СЕДУХИН, Республика ахборот-кутубхона маркази ахборот-кутубхона технологиялари бўйича бош мутахассси Ирина Георгиевна ГАРТМАН, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хорижий телевидение кўрсатувлари мониторинги бўлими етакчи инспектори Назира Раҳимжоновна БОЛТАБОЕВА, "Электрон ҳукумат" тизimini ривожлантириш маркази минтақаларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳолатини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Фируза Абдумалиевна АБДУРАҲИМОВА, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фойдаланувчиларни таҳлил қилиш, маслаҳат ва дастурий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўлими бош мутахассси Адилбек Рустамович ИШМУРАТОВ, АТ "Алоқабанк" бош офиси мини-банклар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акмал Толмасович ХОЛМУРОДОВ, "Алском" АЖ СК молия захиралари ва статистика департаменти захиралар бўлими бошлиғи Паризод Иброҳимжоновна САТТОРОВА, "UNITEL" МЧЖ давлат муассасалари билан ишлаш хизмати раҳбари Илҳом Салайдинович ШАРАПОВ, "COSCOM" МЧЖ ХК юридик масалалар бўйича департамент директори Анна Валеревна ПАЛВАНОВА, "UMS" МЧЖ тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўлими бошлиғи Алексей Евгеньевич ГОРИН, "RWC" МЧЖ ХК Тошкент шаҳар абонентларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Мансурбек Алимович АХМЕДОВ, "East Telecom" МЧЖ бош директори ЛИ Бек Хи, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассси Ҳакимжон Биналиевич МАМЕДОВлар;

"ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Поп телекоммуникациялар боғламаси кабел-пайвандловчиси Якубжон Зоирович ТАХИРОВ, "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали Гулистон шаҳар

телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси Флюра Султановна ГАРИФУЛЛИНА, "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали Каттақўрғон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси техникни Лайло Сабуровна ШАРОПОВА, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали Ангор тумани почта алоқаси тармоғи оператори Марзия Алимовна ЭШҚОБУЛОВА, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали назорат-таҳлил бўлими бошлиғи Эгамберган РЎЗИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоий филиали Нурота почта алоқаси тармоғи Кўктепа алоқа бўлими почтачиси Абдирайим МАМАРАСИЛОВ, "Матбуот тарқатувчи" АК Қорақалпоғистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" ШК Беруний бўлими киоск сотувчиси Гулистон Рўзимовна ХУДАЙБЕРГЕНОВА, Тошкент ахборот технологиялари университети "Маълумот узатиш тармоқлари ва тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси Ҳалима Юнусовна АБАСОХОНОВА, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК автотранспорт хизмати ҳайдовчиси Илҳом Султонович ЮЛДАШЕВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Андижон радиотелеузатиш маркази ҳайдовчиси Рўзимаҳмад Якубович БОБОБЕКОВ, "Электромагнит мослашув маркази" ДУК Сурхондарё вилояти электромагнит мослашув хизмати 1-тоифали муҳандиси Рустам Абдусоатович МУРОДОВ, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ДУК миллий ахборот тизimini шакллантириш ва ривожлантириш департаменти бўлими бош мутахассси Хусан Алимович БЕРДИЕВ, Давлат фелдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича фелдалоқа катта офицери Тоҳир Турсунбоевич ҚОСИМОВ, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК оператив навбатчи диспетчерлар гуруҳи оператив навбатчи диспетчери Марат Дамирович ИСАКАЕВ, "BePro — дастурчилар маркази" МЧЖ лойиҳалар билан ишлаш гуруҳи менежери Бехзод Равшан ўғли ТОЖИБОЕВлар тақдирланишиди.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз алоқачилар!

"Korean Air" авиакомпанияси президенти билан учрашув

2015 йилнинг 5 май кўни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида "Korean Air" авиакомпанияси президенти жаноб Чи Чанг Хун билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Корея республикалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида кадрлар тайёрлаш юзасидан икки томонлама алоқалар муҳокама қилинди.

Жумладан, томонлар мазкур ҳамкорликнинг ёрқин намунаси ҳисобланган, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва Жанубий Корея Республикаси ҳукуматининг қўллаб-қувватла-

ши, ҳукуматларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қисқа муддат ичида куриб, фаолияти ташкил қилинган, нуфузли Тошкент шаҳридаги Инҳа университетини эътироф этишди.

Томонлар университетни қўллаб-қувватлаш, хусусан, таълим маскани ҳудудидаги қурилиш ишларини давом эттириш, замонавий технологиялар билан таъминлаш, ўқувларга Корея Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг малакали педагоглари жалб қилиш юзасидан келишиб олдилар.

Биринчи май тоғотари. Пойтахтдан Фарғона водийси томон кетянимиз. Шарқ қўйиш замин узра эни-зиди олтин сепини сочмоқда.

Денгиз сатҳидан икки минг метр баланддаги Қамчиқ довонидан уёғи Фарғона. Равон йўл ёқалаб кетган темир йўл салкам тўққиз миллион аҳолига эга гўзал водийни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаётир. "Ангрен-Поп" йўналишидаги узунлиги 125 километрга тенг бу темир йўлнинг ишга тушишига өз фурсат қолди. Қурувчилар доvon остидан ўтадиган 19 километрли туннелнинг ярмидан кўпини қуриб битказишибди. Ўзбек халқининг бунёдкорлик қудратидан ҳайратга тушади бундай улғу юмушларни кўрган киши. Ҳаяжон ичра қандай қилиб Наманганга етиб қолганимиз ҳам билинмай қолди.

Аввал хабар қилганимиздек, 1-3 май кунлари Фарғона водийсида "Xabar" кунлари бўлиб ўтди.

Водийларни



"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали аҳолига:

- ADSL ва FTTB технологиялари асосидаги интернет
- Симсиз стационар ва мобил алоқа
- Интерактив рақамли телевидение (IPTV) каби қўлаб замонавий хизматлар кўрсатмоқда.



Наманган шаҳридаги 232-АТС Ягона ойна офиси менежери Зоҳиджон ПАЗЛИТДИНОВ.

НАМАНГАН

Гуллар шаҳри Наманган. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири раислиги шу вилоятдаги ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шамсиддин ака Тоштемиров билан биргаликда газетхонлар билан учрашиш учун вилоят ахборот-кутубхона марказига борапмиз. Шаҳардаги бири-бирдан кўркам иморатлар, боғлар, таълим масканларию хизмат кўрсатиш шохобчалари кўзни қувнатди. Қани имкон бўлса-ю бир-бир тўхтаб, буларни суратга олсанг...

Шаҳар марказидаги кутубхона зали "Xabar"чилар билан юзма-юз суҳбат қуришга телекомчилар, почтачилар, матбуот тарқатувчилар, ахборот-кутубхона ходимлари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг барча тармоқларидан келган вакиллар билан гавжум. Учрашув бошидаёқ савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар қизиқ кетди. Нега бошқа вилоятлар, масалан, ён қўшнилари — фарғоналиклар газетанинг ҳар сонида фаол-у наманганликлар ундай эмас? Ҳолбуки, Наманган соҳада янги тажрибаларни қўллаш, замонавий технологияларни ўзлаштириш бобида бошқа вилоятлардан асло ортда эмас. Аммо, вилоят алоқачилари фаолияти "Xabar"да нега кам ёритилади. Чунки газета фақат журналистларнинг эмас, балки алоқачиларнинг ҳам



Наманган. Газетхонлар билан учрашув пайти.



Наманган шаҳар ПАТ 30-алоқа бўлими оператори Нафиса СОЛИХОНОВА: — Мижозларимизга барча почта хизматлари кўрсатилаётир, жумладан, "Xabar" газетаси ҳам ўқувчиларга ўз вақтида етказилапти.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиалида:

- 800дан ортқ ходим ишлайди.
- 203та алоқа бўлими (27таси вилоят марказида) бор.

миёнбари, соҳадаги ислохотларга бефарқ бўлмаган алоқачилар фаол қатнашиши керак. Савол-жавоблар асосида, вилоятда жамоатчи мухбирлар тармоғини шакллантириш ўта муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

"Ғоялар баҳсларда тугилади", дейишди. Ўқувчиларимиз кўпгина мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташлашди. Наманган вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамолддин Муслим вилоят ахборот-кутубхона марказида "Xabar" кунлари"ни ўтказиб туриш, вилоят почтаси раҳбари Зоҳиджон Воҳидов эса бошқа вилоятларда янги жорий

этилаётган почта технологияларини газета саҳифаларида кўпроқ ёритишни тавсия қилишди. Газетада муаллиф сифатидаги қатнашиш билан боғлиқ саволлар ҳам кўпчиликин қизиқтираркан. Шунингдек, "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали директори Жамолддин Ёқуббоев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Наманган вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Юсупхон Ишанов, вилоят АКМ директори Мавлуда Дадабоева, наманганлик кекса шоир Муҳаммад Мирзо ва бошқалар вилоят алоқа тизимида амалга оширилаётган ишлардан гапириб, газетани оммалаштириш борасида ўз таклифларини беришди.

Мулоқотдан сўнг вилоят ахборот-кутубхона маркази, Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, 232-АТС, 16 ва 30-алоқа бўлимлари фаолияти билан танишдик.

ФАРҒОНА

Иккинчи май. Намангандан чиқиб, жанубга — Фарғона томонга йўл олганимизда, кечаги шаррос ёмғирнинг шарофатиданми, ҳаво салқин ва мусаффо эди. Уфққа туташиб кетган яшил дала-лар, боғ ва узумзорлар ортда қолиб, Марғилон орқали Фарғона шаҳрига етиб келдик. Вилоят Электромангит мослашув хизмати бошлиғи Нурмуҳаммад ака Нуриддинов билан шаҳар айланыпмиз.

Кенг ва равон кўчалар, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган бинолар, таълим масканлари, фавворалар, спорт комплекслари, меҳмонхоналар, бутун шаҳар бўйлаб янгитдан ўтқазилган дарактлар ҳавасингни келтиради.

Ўтган йили фойдаланишга топширилган шаҳар марказидаги минг ўринли Санъат саройи эса гўзал тожда олмос тошдек нур сочиб турибди.



Наманган АКМ Ахборот технологиялари бўлими етакчи кутубхоначиси Иброҳимжон ЖУРАЕВ "Xabar"нинг энг фаол ўқувчиси ҳандир.

Подўра номидаги Наманган вилоят АКМ:

- Водийдаги биринчи китоб сканерлаш қўрилмаси қалтирмади (139 млн. сўмлик Корея гранти)
- 2002 йилда бир донга ҳам компютер йўқ эди, ҳозир — 45та
- Янги келган адабийлар 2002 йилдан бошлаб "ИРСИС" дастурига киритилиб, интеграл кутубхона ахборот тизими, кутубхона жараёларини автоматлаштириш, электрон каталог яратилмоқда.



TATU Фарғона филиали:

- Алоқа соҳаси учун мутахассислар тайёрловчи водийдаги бу ётақчи таълим маскани ташкил этилганига яқинда ўн йил тўлади (2005 йил 23 июль)
- ВУДдан эмбда профессор ва ўқитувчи фаолият кўрсатяпти.



Газетанинг жонкуяр муаллифи **Набижон СОЛИЕВ** "Хабар"ни ёшлар албатта ўқишлари кераклигини таъкидлади.



Водийда "Хабар" газетасининг 3000га яқин обуначиси бор.

"Хабар" кезганда...

Сарой атрофидаги 40 гектар майдонга экилган 10 минг туп сархил дархат кўкка буй чўзган. Мазкур йўналишдаги ишларнинг изчил давоми бўлмиш 20 минг ўринли "Истиқлол" стадиони ҳам энди фарғоналикларнинг фахрига айланди.

Маълумки, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида бутун водийдан талабалар тахсил олишади. Газетхонлар билан навбатдаги учрашув ана шу даргоҳда бўлди.

Соҳа корхона ва ташкилотлари вакиллари ҳамда алабалар билан тулган залдаги мулоқотларда сўзга чикувчилар кўп бўлди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг худудий бошқармаси ходими Музаффар Носиров, TATU Фарғона филиали директори ўринбосари Бахтиёр Толипов, вилоят Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Нурмухаммад Нуриддинов, вилоят АКМ директори Шохидбек Аслонов, йигирма йилдан ортиқ "Хабар" саҳифаларини сермазмун мақола ва хабарлари билан бойитиб келаятган мухбиримиз Ҳафиза Салаяхова, 78 ёшни қораласа-да, сергайрат, юртимиздаги ислохотлардан илҳом оладиган жамоатчи мухбир Муҳаммаджон Маҳмудов, филология фанлари номзоди, доцент, долзарб мавзудаги мақолалари билан газетанинг доимий ҳамкорига айланган Набижон Солиев ва бошқа-бошқалар самимий изҳорларини баён этишиди, газетанинг соҳа ходимлари ҳаётида турган ўрни, тизимда бўлаётган ислохотлардаги ролига эътиборни қаратишиди.

"Газета ўқувчилари билан мулоқотта тайёр, хўш, соҳа наشري қандай бўлиши керак, муштарийларимиз қайси мазмундаги мақола, хабар ва янгиликларни ўқишни исташади?" деган кўпчиликини қизиқтирган саволларга таклифлар, айниқса, жўяли ва асосли бўлди. Хусусан, газетада компютер саводхонлиги дарсларини яна давом эттириш, инглиз тили сабоқларини йўлга қўйиш, АКТ соҳасида чиқарилган қонун ва қарорлар ижросига доир таҳлилий мақолаларни кўпайтириш, ахборот технологияларининг бошқа соҳаларда жорий этилишини кенг ёритиш, хуллас, газета мавзу доирасини янада кенгайтириш, алоқа соҳасида амалга ошаётган барча жараёнлар тўлиқ қамраб олиниши лозимлиги юзасидан фикрлар айтилиб, таклифлар берилди.



Андижондаги учрашувда соҳа вакиллари — Камолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ ва Дилноза ҚАРИМОВА ўз ижод намуналаридан ўқиб беришиди.



АНДИЖОН

Учинчи май. Сафарнинг учинчи куни. Мамлакатимизнинг кунчиқар вилояти — Андижондаги бунёдкорлик ишлари ҳам ақлни шоширади: шаҳарлар, қишлоқлар чирой очмоқда. Йўл буйлаб маржондек тизилиб турган намуналар лойиҳа асосида қурилган ва қурилаётган уйларни айтмайсизми?!



Тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Лазизбек Усмонов билан "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали биносига кириб боряпмиз. Учрашувга раислик қилган Лазизбек Усмонов кейинги йилларда газетанинг ҳам мазмунан, ҳам дизайн жиҳатидан юксалганини, қамрови кенгайганини таъкидлар экан, газета саҳифаларида алоқа соҳасида амалга оширилаётган янгиликларни янада кенгроқ ёритиш, меҳнатда ўрناк кўрсатаётган ходимлар ҳақида кўпроқ мақолалар берилиши лозимлигига ургу берди.

Дарҳақиқат, бошқа соҳалар қатори, алоқа соҳасида ҳам андижонликларнинг ўз мактаби бор, тажрибалари бисёр, уларни бошқалар билан ўртоқлашишда "Хабар" газетаси кўприк вазифасини ўтайди. Бу борада жамоатчи мухбирлар, касбига, соҳасига бефарқ бўлмаган етук мутахассисларнинг роли катта. Почта йўналишида Камолитдин Қамбариддинов, Тўраҳон Ғофуров, матбуот тарқатиш мавзуда Элмурод Эрматов, қолавраса, вилоят АКМ ходимлари газетанинг фаол ҳамкорлари ҳисобланишади.

Газета шаклу шамойили ва ундаги мавзулар ҳақида гап бораркан, алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган инсонлар ижод намуналаридан бериб бориш, жаҳон почта ва телекоммуникация компаниялари иш тажрибаси кўпроқ ёритилиши, етук мутахассислар иш тажрибасини оммалаштириш юзасидан ҳам қатор таклифлар билдирилди.

Берилган савол ва таклифларга "Хабар" газетаси ходимлари жавоб бердилар.

Собит АҲАДОВ, Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ,
"Хабар"нинг махсус мухбирлари

Заместитель Премьер-министра Республики Корея посетил Национальную библиотеку

2 мая Национальную библиотеку Узбекистана посетил заместитель Премьер-министра, министр стратегии и финансов Республики Корея Чой Кёнг Хван.

В ходе визита делегации была проведена ознакомительная экскурсия по Национальной библиотеке, где были продемонстрированы современные информационно-библиотечные технологии, внедренные в повседневную деятельность библиотеки.

Новое здание Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои является частью единого монументального архитектурного комплекса "Маърифат маркази", где размещены здания Национальной библиотеки и Дворец симпозиумов.

Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои оснащена наиболее современным оборудованием и электронными средствами работы с рукописями, книгами и другими печатными изданиями фондов книгохранилища.

Приветствуя гостя, директор Национальной библиотеки А.Ходжаев рассказал об истории строительства и текущей деятельности библиотеки, о созданных здесь условиях для пользователей, о новейших информационных технологиях, применяемых в процессе создания электронной базы, о международных связях Национальной библиотеки и в частности, развитии партнёрских отношений с Национальной библиотекой Кореи.

В библиотеке функционирует специализированный зал "Окно в Корею", а также центр изучения иностранных языков, включая корейский.

Заместитель Премьер-министра, министр стратегии и финансов Республики Корея Чой Кёнг Хван выразил искреннее восхищение, созданным здесь условиям для всестороннего развития молодого поколения и пожелал Национальной библиотеке успехов и благ во имя процветания нашей республики.

Наша страна присоединился к ряду документов ВПС

27 апреля 2015 года Президент Узбекистана подписал Постановление "О присоединении к международным договорам". Согласно постановлению, Узбекистан присоединяется к:

- Общему регламенту Всемирного почтового союза (Доха, 11.10.2012 г.);
- Всемирной почтовой конвенции (Доха, 11.10.2012 г.);
- Заключительному протоколу Всемирной почтовой конвенции (Доха, 11.10.2012 г.);
- Соглашению о почтовых платежных услугах (Доха, 11.10.2012 г.).

Постановлением Министерству иностранных дел Республики Узбекистан поручено направить в установленном порядке Генеральному директору Международного бюро Всемирного почтового союза соответствующее уведомление о присоединении Республики Узбекистан к указанным международным договорам.

Издrevле Узбекистан славен своей особенной архитектурой, загадочными минаретами и лазурной мозаикой. Сотни древних и современных зданий и сооружений придают нашей стране особый шарм и восточный колорит.

АКЦИЯ "Семь чудес Узбекистана"

Из чувства гордости за культурные богатства нашей страны объявляем акцию "Семь чудес Узбекистана", в которой призываем принять участие каждого, кто хочет внести свой вклад в историю Узбекистана, передачи ее будущим поколениям и широкому распространению информации о всех достопримечательностях и культурном наследии страны.

Площадкой проведения акции служит раздел Образовательного портала Ziyonet "Культурное наследие Узбекистана". В акции могут принять все желающие, зарегистрированные и авторизованные на портале.

Акция "Семь чудес Узбекистана" будет проходить в три этапа:

- 1 этап — сбор предложений от пользователей, какие объекты включить в список
- 2 этап — голосование и определение "Семи чудес регионов Узбекистана"
- 3 этап — голосование и определение "Семь чудес Узбекистана"

Все вместе определим достопримечательности нашей Родины и голосованием выберем самые популярные из них. Познакомимся

с удивительными объектами, расскажем всем о чудесах, которые мы знаем, пообщаемся для уточнения данных и обмена впечатлениями. Вместе номинируем достойные звания чудес объекты и выберем самых лучших.

По итогам голосования будет определена семерка объектов с официальным названием "Семь чудес Узбекистана", набравшая наибольшее количество голосов. Объекты, вошедшие в "Семь чудес Узбекистана", будут объявлены на торжественном заседании, посвященном окончанию акции.

Организаторы конкурса открыты для вопросов сотрудничества в проведении акции и готовы обсудить все предложения.

Хороший повод для пополнения своих знаний, приятного общения на тему любимой Родины, популяризации истории и повышения туристической привлекательности Узбекистана.

Обсуждение акции проводится на следующих ресурсах: Портал Ziyonet, uForum, Facebook, Fikr (под хэштегом #merosziyonet и #7mujizaziyonet).

Координатор акции — Ресурсный Центр сети Ziyonet.

9 МАЯ — ДЕНЬ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТИ

Жалол ака Саидмуратов помним, чтим, гордимся!

На доске почета в фойе ГУП "UNICON.UZ" четыре ряда фотографии. Среди них фото седого мужчины четырехгодичной давности. Жалол ака Саидмуратов уже ушел в вечность, но память о нем жива в наших сердцах.

Жалол Саидмуратов родился в семье служащих в 1948 году. Жители кишлака Испанза Ургутского района Самаркандской области до сих пор хорошо помнят пытливого юношу. Увлечение учебой со школьной скамьи привело его в факультет физики Самаркандского государственного университета. Успешно закончив ВУЗ, молодой Жалол был направлен в институт ядерной физики Академии наук Узбекистана. Начал свою трудовую деятельность с должности старшего лаборанта и за 24 года работы молодой ученый написал и защитил кандидатскую диссертацию, стал автором ряда открытий и изобретений. Его научные изыскания послужили для развития ядерной физики в республике. Затем занялся преподавательской деятельностью в Самаркандском государственном университете.

Жалол ака прекрасно знал, что нет предела совершенству, и решил изменить одну сферу деятельности на другую, идущей в ногу со временем. Последним местом работы стал Центр научно-технических и маркетинговых исследований. А потом сменил должность начальника информационно-аналитического отдела на главного редактора журнала "Алохинформ".

Жалол Саидмуратов всю свою жизнь посвятил науке. Где бы он не работал, постоянно был занят написанием статей, научными исследованиями. Одновременно он не только сам занимался отечественной наукой, но и широко

пропагандировал ее достижения. Постоянно агитировал молодежь получить высшее образование с последующим вовлечением в научную среду. Став членом научного совета, он помогал молодым специалистам грызть гранит науки.

Все те, кто знал и общался с ним, со словами благодарности вспоминают о нем, о его добрых напутствиях, наставлениях, желании оказать бескорыстную помощь.

Человек с большой буквы он остается примером для юной поросли, которая вступает в удивительный мир науки, требующий кропотливого труда.

У Жалол ака как величайшее наследие — достойно воспитанные дети. В семье он также ставил образование во главу угла. Так Наргиза — учительница, Гулноза стала врачом, Шахноза, Жамшид и Фаррух выбрали сферу связи. Сегодня все они трудятся во благо Родины.

Думая о будущем своих детей, Жалол ака воспитывал их ответственно. Он был очень требовательным отцом. Время неустанно доказывает, что корифей науки замечательно воспитал своих детей. Они часто слышат, когда им вслед говорят: "Отанга раҳмат".

Глядя на фотографию своего отца, Шахноза говорит, что гордится своим отцом. Его нет с нами уже более 5 лет, но память о нем жива. Его вспоминают добрым словом.

Умида УМАРХОДЖАЕВА

Хабар +tv

ДУШАНБА — 11 МАЙ

О'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Қушларнинг сирин ҳаёти". Х/ф.
8.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтди".
8.00 "Ҳақилнома".
8.40 "Усмонликлар ҳаёти". Х/ф.
9.30 "Ҳамолот-инфо".
10.10 "Иқлим".
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.35 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
13.00 "Шаҳар четидати шифохона". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод муҳтамамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Сержантлар".
15.15 "Ҳаёт". Х/ф.
15.40 "Хотира майdonи".
16.05 "Иқлим".
16.10 "Билимдон". Интеллектуал ташлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Субботишо".
17.20 "Қоронғик".
17.40 "Агроолам".
18.00 "Иқлим".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.30 "Иқлим".
19.05 "Имконият".
19.25, 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Баллаёв назоратчилар".
22.05 "Муносибат".
22.45, 23.30 "Доктор Хаёв". Т/с.
23.30 "Хотира майdonи".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Агроолам".
1.00 "Ахборот" рус/.
1.30 Миллий сериал: "Сержантлар".
2.00 "Шарқ тароналари".
2.15 "Иқлим".

21.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Эрталаб кейин". Б/ф.
00.30 "Шарқ гавҳари".
1.30 "Ҳаёт хавфсизлиги".
2.00 "Ҳамолот-инфо".
2.10 "Нуктаи назар".
2.40 "Афсона ва ҳақиқат".
3.00 "Мўъжизавий дунё".
3.50 "Қалитан Хориблауэр". Б/ф.
1-қисм.
5.30-6.00 "Давр".

TOSHKENT

5.55 "Ягонаси, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Роҳат".
6.20 Миллий сериал: "Қисмат битти".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Роҳат-авто".
9.20 "Бахт қўрғони".
9.50 "Роҳат-спорт".
10.20 "Қоронғик аёни". Т/с.
11.15 "Время". Х/ф.
13.15 "Дилбондим тележурнали".
13.45 "Роҳат-героят".
14.15 "Ҳақиллар".
14.50 "Роҳат-biznes".
15.10 "Дастур асосида".
15.40 "Пойтахт-эко".
15.50 "Роҳат-спорт".
16.15 "Денги ҳўкмулари". Б/ф.
17.55 "Ишга марҳамат".
18.20 "Ҳимоя".
18.35 "Мобильная камера".
18.50 "Роҳат-интергю".
19.10 "Селе-маркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Интитком". Т/с.
21.10 "Пойтахт йўлдариди".
21.35 "Роҳат-эко".
21.45 "Селе-маркет".
22.20 "Невидимки". Х/ф.
00.05 "Профессионал".
00.25 "Роҳат-Hi-tech".
00.35 "Сайёр камера".
1.00 "Роҳат-эко".
1.10 "Қоронғик аёни". Т/с.
1.50 "Роҳат-biznes".
2.10 "Қойлмақом фириб". Б/ф.
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаки".
6.55 АНОНС.
7.00 "SPORT-ONLINE".
8.00 ХАВАРЛАР.
8.30 "Sport Meteor".
8.35 ФУТБОЛ, ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ, "ЛОКОМОТИВ" - "АНДИЖОН".
10.20 АНОНС.
10.25 "Спортимиз маликалари".
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Велопайот Жиро Д'Италиа.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-ONLINE".
13.00 АНОНС.
13.05 Автоматспорт.
13.05 АНОНС.
14.00 ХАВАРЛАР.

14.15 Давро. Катта дубулла турнири.
15.35 Теннис. АТР/WTA турнири.
16.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Спорт сайраси".
18.25 "Техноспорт".
18.30 ХАВАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Давро. Катта дубулла турнири.
20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.35 "Футбол шарғи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАВАРЛАР.
21.50 "Sport Meteor".
21.55 Профессионал бокс.
22.45 АНОНС.
22.50 "Техноспорт".
22.55 АНОНС.
23.00 "SPORT REPORT".
23.10 АНОНС.
23.15 ХОККЕЙ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ, ТУРГИДАН-ТУРГИ ОЛИМП КУРСАТИЛАДИ.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАВАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Академик эшик эшиш.
Жаҳон куботи.
3.15 Велопайот Жиро Д'Италиа.
4.00 АНОНС.
4.05 Автоматспорт.
4.55 АНОНС.
5.00-6.00 Теннис. АТР/WTA турнири.

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 "Доминика Каскинги.
Украинетелиди".
06.00 Х/ф "Украинские строители".
07.25 "Играй, гармонь любимая!".
08.00 Уминья и Уминки.
08.45 "Слово пастыря".
09.15 Слав.
09.50 К юбилею актрисы "Жанна Прохоренко". "Оставляю вам свое любимое".
11.10 "Торжок".
11.55 "Теория заговора".
13.40 Т/с "Личные обстоятельства".
17.10 Вечерние новости.
17.10 "Топь в точку".
20.00 "Время". Информационно-аналитическая программа.
21.30 Д/ф "Донбас в огне".
22.30 Х/ф "Люди Икс: Первый класс".
00.35 Комедия "Мальчишки из календаря".
02.05 Х/ф "На подмостках сцены".

РОССИЯ 1

05.40 Х/ф "Заблудший".
07.20 "Всё России".
07.35 "Сам себе режиссер".
08.28 "Смехотерапия".
08.55 "Утренняя почта".
09.25 "Сто к одному". Телигра.
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
11.00, 14.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.40 Х/ф "Любимые женщины Коломенова".
14.30 Местное время. Вести-Москва.
16.05 Х/ф "Бариста".
20.35 Т/с "Плюток палоритника".
22.25 Х/ф "Муж на час".

02.10 Х/ф "По законам военного времени".
03.50 "Комната смеха".

НТВ

04.40, 00.05 Т/с "Хозяйка тайги 2. К мору".
06.30, 07.15, 09.20 Х/ф "Товарищ Сталин".
07.00, 09.00, 12.00, 18.00 Сегодня.
10.55 "Личный ответ".
12.20 Х/ф "Белая ночь".
16.15 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
18.25 Т/с "Лесник".
22.15 Х/ф "Дубин не будет".
01.55 Динки мир.
02.10 Т/с "Ката. Продолжение".
04.00 Т/с "Москва. Три вокзала".

РОССИЯ K


07.00 "Европбюк".
10.00 "Объясненный концерт".
10.55, 23.30 Х/ф "А если это любовь?".
12.15 Привичный домик.
12.40 Большая семья. Сергей Пускелакис.
13.35 Д/ф "Объезженный остров в Кариском море".
14.30 Гении и злодеи. Владимир Дуров.
14.55 "Бегство бриллиантшица Поэзе".
15.40 Острова.
17.55 Д/ф "Перелеткино-2015".
17.55 Д/ф "Александр Беляевский".
18.35 Х/ф "Июльская дождь".
20.20 Х/ф "Серенада Солнечной долины".
